

Мен ишонаман, ўз Ватани ва халқига садоқатли бўлиш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, эл-юртимизнинг келажигига ишонч билан қараш масаласида бизнинг журналистларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA



■ 2003-ЙИЛ ■ 27-ИЮН ■ JUMA ■ 76 (27.096) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoшлаган.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Аввало, ўзининг машаққатли меҳнати, ижодий салоҳияти билан жамиятимизда демократик матбуот ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаятган сиз, журналистларни, барча оммавий ахборот воситалари ходимларини кутлуг байрамингиз билан мураббабод этишга ижозат бергайсиз.

Бугун газета ва журналлар, радио ва телевидение тахририятларида, нашриётлар, матбаа корхоналари, матбуот тарқатиш идораларида хизмат қилаётган, бир сўз билан айтганда, умрини шу соҳага бағишлаган заҳматкаш инсонларнинг касб байрамингиз.

Шу билан бирга, ушбу сана эркин сўз, ҳолисона ахборотни ўзи учун маънавий эҳтиёж деб биладиган, матбуот орқали ўз билим ва тафаккури, дунёқарашини кенгайтиришга интиладиган ҳар бир одам ҳаётида алоҳида ўрин тутайди, деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шу айём муносабати билан биз матбуот ва ахборот вакилларини қизгин табриқлаб, уларнинг серқирра фаолиятига эътибор қаратар эканмиз, журналистларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатини тасаввур қилиш, баҳолаш билан бир қаторда, яна бир бор мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, бу ишга ўз ҳиссамизни қўшиб ҳақида ўйлашимиз табиий.

Бугун юртимизда халқимиз, аждодларимиз неча асрлар орзу қилган, умумбашарий ва миллий гоғалар ҳамда қадриятларнинг уйғунлигига асосланган янги давлат, янги ҳаёт, инсон эркин нафас оладиган, ўз фикрини мустақил ифода этиш имконига эга бўлган очик жамият қуриш ва дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар билан ҳамнафас ва ҳамкор бўлиб яшаш — бизнинг эзгу мақсадимиздир.

Бугун биз, янги XXI асрнинг ўзига хос белги-аломати бўлмиш информацион «портлаш» рўй бераётган глобаллашув шароитида, ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда яшашмоқдамиз.

Илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган замонавий ахборот технологиялари ёрдамида дунёнинг у чеккасида янги ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Шулар қаторида ҳозирги кескин ўзгаришлар даврида Ватанимиз, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши нақадар мураккаб жараён эканини, ўз танлаган мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бориш ҳеч қачон, ҳеч қайси миллат учун осон кечмаганини инобатга олган ҳолда, бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муҳим ва

долзарб вазифаларнинг мазмунини, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, одамларнинг турли-туман қарашларини ифода қилиш ва мавжуд муаммоларни ечишда матбуотнинг роли ва аҳамияти бекиёсдир.

Оммавий ахборот воситалари воқелини акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, авваломбор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатиши лозим.

Яна бир муҳим вазифа — дунёдаги замонавий ахборот технологиялари билан бирга, юксак профессионал маҳоратни эгаллаш, етук мутахассислар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган журналистларни тайёрлашдан иборат, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Миллий матбуотимизни биз ўзимиз орзу қиладиган халқаро талаблар даражасига кўтариш учун яна нима етишмаяпти?

Мен, бунинг учун фақат тажриба, тажриба бўлганда ҳам, илғор, замонавий мезонларга мос келадиган тажриба керак, деб айтган бўлур эдим.

Шуни ҳам очик айтишимиз зарурки, бизга бу борада баъзан шижоат етишмаяпти. Етмиш йил давомида қон-қонимизга, сўяс-сўягимизга сингиб кетган одатлар, яъни ҳокимият фаолиятига танқидий кўз билан қарашни йўқлиги, ҳаётда амалдорларнинг айтгани-айтган қабилдаги эскича кўникмалардан халос бўлиш оғир кечмоқда.

Шунинг учун ҳам бугун журналистлардан ишимизга халақит бераётган ана шундай асоратларни бартафос этиш, жамиятимизда эркин фикр муҳитини қарор топтириш йўлида белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш талаб этилмоқда.

Мен ишонаман, ўз Ватани ва халқига садоқатли бўлиш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, эл-юртимизнинг келажигига ишонч билан қараш масаласида бизнинг журналистларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Азиз дўстлар! Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор кутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, аввало, матбуот соҳасига кўп меҳнати сингган мўътабар оқсоқолларимизга, яна узок йиллар орамизда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз хурмат-эҳтиромини ихшор этмоқчиман.

Матбуотимизнинг кутлуг даргоҳига катта орзу-умидлар билан кириб келаятган навқирон авлод намояндаларига эса, сизлар халқимизнинг олий мақсадларини рўёбга чиқариш, ёруғ келажакимизни барпо этиш учун билимингиз, бор куч-ғайратингизни сафарбар этасиз, деб ишонч билдираман.

Ҳаммангизга сўхат-саломатлик, бахту саодат, ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси танлов ҳайъати 2002 йилда алоҳида фаолият кўрсатиб, самарали ижод қилган куйидаги журналистларни

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ ТАНЛОВИ ГОЛИБИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ДЕБ ТОПДИ:

Комилжон ШАМСИДИНОВ — Ўзбекистон телевидениесидаги туркум ижтимоий-сиёсий кўрсатувлари учун. (Журналист).

Абдувахоб ПИРМАТОВ — «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган мақолалари учун. («Халқ сўзи» газетасининг Навоий вилояти муҳбири).

Тўлқин РЎЗИЕВ — Болалар спорти мавзусидаги чиқишлари учун. («Спорт» газетаси муҳбири).

Виктор ДЕГТЯРЕВ — Халқаро мавзудаги мақолалари учун. («Правда Востока» газетаси бош муҳаррири ўринбосари).

Ҳадича КАРИМОВА — Маънавий-маърифий мавзудаги мақолалари учун. (Фаргона ви-

лояти Охунбобоев тумани «Истиқбол йўли» газетаси бош муҳаррири).

Абдугани ЖУМАЕВ — Республика матбуотида босилган фотопублицистик асарлари учун. («Ёшлик» журнали).

Куйидаги журналистлар рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари бўлишди:

Жўра Бобораҳмат (ЎЗТВ), Турсунбой Ботирбеков (ЎЗА), Норбек Ниёзов (Ўзбекистон радиоси), Марат Таумуратов (Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси), Феруза Полтаева (Ёш куч-журнали), Менгнор Олломурад (Қишлоқ ҳаёти» газетаси).

Миллий матбуотимизнинг келажиги бугун шу даргоҳга катта орзу-умидлар билан қадам қўяётган навқирон авлоднинг билими, фидойилиги, иқтидори, салоҳиятига боғлиқ.



Суратда: ёш журналистлар (чапдан) Ақтам Бердиёров («Мустақил газета»), Шохрух Қосимов («ЎЗАС»), Сурайё Зокирова («Хордик»), Салим Дониёров («Халқ сўзи»), Насиба Эрхонова («Маърифат»), Матназар Элмуродов, Бехзод Шуқуров («Ўзбекистон овози»).

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

Журналистларга

ХАБАР

Буюк оғза қарам эрур қошот,
Ахборот ўқиди айланар олам.
Бамисли яшидек чақар матбуот,
Дунё қорағини эшитар одам.

Қадимда от миниб юзсаран чопар,
Гоҳ нома келтирар, гоҳ нома элган.
Етказмоқчи бўлса шошиғач хабар,
Балаид кўрон узра тутатган сулхан.

Балодан бехабар қилиб баноғоқ,
Қулпакун бўлган неча эл, эл-ҳай...
Вақтида овуқидан бўлмади оғоқ,
Тиркалай лавага қўмиди Помпей.

Помпей-ку тақдирингиз хужм-да, майин...
Дунёдан бехабар қолмоқчи ёмон.
Дунёдан бехабар инсон тўғайиш
Дунёнинг ўзи ҳам қолмайди омон.

Гар одам одамдан олмас хабар,
Гар одам одамга бермас хабар,
Дунё бўлмас эди бунча мўътабар,
Ҳаёт бўлмас эди бунча дилобар.

Қил келди радио, ойнаи жаҳон,
Телукида товушдан ҳам ўзиб кетди.
Дунёга матбуот бўлди хужмон,
Ниҳоят ахборот асрига етди.

Ойнаи жаҳондек ёришди очун,
Экранга боқиди инсон сертавиш.
Кўзи чиқишдан бошлангандек кун
Газета ўқидан бошланади иш.

Меҳрибон бўлмайди ҳақиқа тақдир,
Бахши қилиб бўлмас ҳаётини тақдир.
Ришват, яхши хабар айтувчи Мухбир!
Ришват, аҳолидан воқиф Мухаррир!
Рустам МУСУРМОН

«Ал-Мустақбал»: Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов — Марказий Осиёда тинчликнинг ягона элчисидир

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг Эронга расмий ташрифи натижалари, юқори даражадаги Ўзбекистон — Эрон учрашуви ҳамда Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Х.Карзай иштирокидаги уч томонлама музокаралар ҳанузгача жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат эътиборида.

Хусусан, Мисрнинг нуфузли нашрларидан бири бўлмиш «Ал-Мустақбал» газетаси ўзининг июнь ойи сониде Техрон саммити натижаларига бағишланган «Ўзбекистон Президентини И.Каримов — Марказий Осиёда тинчликнинг ягона элчисидир» сарлавҳали бош мақолани чоп этди.

Куйида унинг тўла матни келтирилган:

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЎРНАТИШГА ИНТИЛМОҚДА

2003 йилнинг 18 июнида Техронда уч томонлама Эрон — Ўзбекистон — Афғонистон саммити бўлиб ўтди. Ўта муҳим, деб баҳоланган ушбу саммитда Эрон ва Ўзбекистон икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва Афғонистонни қайта тиклашга қаратилган саккизта битим имзолади. Олий даражадаги ушбу учрашув давомида Эрон, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида имзоланган энг муҳим ҳужжат трансффон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги битим бўлди. Зеро, халқаро ҳамжамиятнинг асосий вазифаси деб Афғонистонни қайта тиклаш эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари

Президентлари орасида минтақа миқёсида, хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга интилаётган ягона раҳбардир. Афғонистондаги вазият Президент Ислом Каримовни кўп вақтдан буён ташвишга солмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон Афғонистонга асфальт ва цемент заводини, электр энергияси ва телефон билан таъминланган уйлари қуришда ҳамда автомобиль йўларини таъмирлашда ёрдам бермоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Афғонистон иқтисодиётини қайта қуриш ва барқарорлаштиришга қаратилган таклифларни илгари сурди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Афғонистон бунёдкорлик аа иқтисодий лойиҳаларнинг катта бозорига айланди. Бугунги кунда мазкур лойиҳалар ирригация, электр энергияси ва телефон тармоқларини барпо этиш соҳаларида амалга оширилмоқда.

Мисол учун Жалолобод

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг жорий йил Назорат-таҳлил фаолияти юзасидан йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Ў.Ҳошимов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида» ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижросига оид масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда бу борада Қорақалпоғистон Республикасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

(ЎЗА)

Газетхон мулоҳазаси

ЭРКИН ФИКР, ЭРКИН СЎЗ, ЭРКИН МАТБУОТ МАСЪУЛИЯТИ

Бугун байрам. Матбуот аҳлининг байрами, бизнинг, ҳаммамизнинг байрам. Шундай кунда, ҳар доим ҳам биз учун энг муҳими — азиз газетхонларнинг фикри. Уларнинг муносабати, мулоҳазаларидан хабардор бўлсак, тегишли ҳулоса чиқариб олийимиз осон кечади.

Шу боис байрам арафасида пойтахтимиз кўчаларида ҳамюртларимизга қуйидаги саволлар билан муносабат қилишимиз мунтазам ўқинсиз?

ОАВнинг қайси жиҳатлари сизга маъқул ва яна қайси мавзуларга эътибор берилишини истардингиз?

Саҳифадан жой олиш муаммо бўлгани учун ўнлаб суҳбатдошлар гапларидан бир «чимдим»дан қолдирдик, ҳолос.

Нодирбек ГАФФОРОВ, доцент:
Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, айниқса, сиёсий ҳаётимиздаги янгиликлардан бохабар бўлиш мақсадига «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» газеталарини, телевидениенинг «Ахборот» ва «Давр» дастурларини қулатиб бораман. «Туркистон», «Маърифат», «Огоҳ» газеталарини ўқиб тураман.

(Давоми 3-бетда.)

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪНАЛАРДА

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

◆ Андижон шаҳридаги Хутанарик, Мухаммад Алибой номли маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари «Гийёвандлик — аср вабоси», «Биз — XXI аср ёшларимиз» мавзуларида оммавий тадбирлар ўтказдилар. Тадбирларда кўплаб ёшлар йиғилдилар ва уларга гийёвандликнинг аянчли оқибатлари тушунтирилди, ундан келиб чиқадиган фожиялар акс эттирилган сурат-плакатлар намойиш этилди. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Н.Ақбаров, Ш.Иброҳимовлар тадбирларда сўзга чиқиб, ёшларни соғлом турмуш тарзини танлашга чақирдилар.

◆ Партия Қорақўл туман кенгаши ва «Қорақўл садоси» газетаси тахририяти ҳамкорлигида туман sanoat касб-хунар коллежида шоир Тилак Жура хотирасига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ижодкорлардан Самандар Воҳидов, Бехбуд Жумаев, Абдунаби Ҳамро, Гулом Шомурод ушбу кеча меҳмони бўлдилар. Улар иштирокчиларни марҳум шоирнинг ва ўзларининг ижод намуналаридан баҳраманд этдилар.

◆ ХДП Бўстонлик туман кенгашида партиянинг фаол аъзоси, партия кенгашининг катта ҳисобчиси Любовь Сыропатовани тантанали равишда нафақага кузатиш маросими бўлди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби Р.Маҳаматов, партия фаоллари, туман ҳокимлиги масъул ходимлари Л.Сыропатованинг босиб ўтган меҳнат йўли ва ибратли ишлари тўғрисида сўзладилар ҳамда унга эсдалик совғалари топширдилар.

◆ «Ишчилар шаҳарчаси» ҳудудий партия ташкилотининг собиқ котиби К.Козловнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан Янгийўл шаҳар партия кенгаши ҳам тадбир уюштирди.

◆ ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши етти нафар кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож болаларга меҳр-муруват кўрсатди. Партия кенгаши улар учун 85 минг сўмлик моддий кўмак берди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

◆ ЎзХДП Қоровулбозор ва Қорақўл туман кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Партия ташкилотларининг юртимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларда иштирокини фаоллаштириш масалаларига бағишланган мазкур йиғилишларда ушбу партия ташкилотлари етакчилари И.Нурмонов ва Ф.Бабутловлар маъруза қилдилар.

◆ Партия Чирчиқ шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сийёсат» клубининг навбатдаги машғулотига партия кенгаши биринчи котиби Д.Азизжўраевнинг «Демократик жамиятда сиёсий партиялар ва парламентнинг ўрни» ҳамда шаҳар мудофаа бўлими бошлиғи Д.Сағатовнинг «Ҳарбий хизмат ва умумҳарбий мажбуриятлар» мавзусидаги маърузалари тингланди.

◆ Олий Мажлиснинг XI сессияси ва МК V пленуми ҳужжатларининг амалий ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар давом этмоқда. Жумладан, «Избоскан туманидаги «Шарк юлдузи» ширкат ҳўжалиги партия ташкилотиде ўтказилган йиғилиш ҳам бевосита ана шу мавзуда бўлди. Йиғилиш давомида умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари ҳақида фаол партиядошларимизнинг фикрлари тингланди. Унда сўзга чиққан туман партия кенгаши котиби К.Хўжаева ва ширкат ҳўжалиги раиси А.Дехқоновлар эса парламент сессияси ҳамда МКнинг V пленуми ҳужжатларини аҳолига тушунтириш ишларини янада кучайтириш, бу борада ҳар бир фуқаронинг ўз нуқтаи назари бўлишига эришиш лозимлигини таъкидлаб, қатор таклифлар билдирдилар.

◆ Гулистон шаҳридаги вилоят электр тармоғи бирлашмаси, табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, «Сирдарё автойўл» давлат хиссадорлик жамияти ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилган «давра сўхбатлари» бирмунча самарали бўлди. Партия ташкилотлари етакчилари М.Низомова, А.Норбоев ва И.Мўминовлар тадбирларда сўзга чиқиб, партиядошларимиз эътиборини ХДП МК V пленумда кўтарилган муҳим масалаларга қаратдилар. Шунингдек, савол-жавобларда ишчи-ҳодимларнинг муаммолари ўрганилиб, таҳлил қилинди, уларни ечиш бўйича қатор таклифлар ўртага ташланди.

◆ Паркент тумани «Заркент» ширкат ҳўжалиги бошланғич партия ташкилотиде бўлиб ўтган мажлисда ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаев сўзга чиқди ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда фуқаролар фаоллигини ошириш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари тўғрисида гапирди.

◆ Мазкур тадбирлар доирасида, ХДП Чилонзор туман кенгаши ҳам тумандаги «Пойабзалчи» АЖ негизда йиғилиш ўтказди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби А.Каримбердиев, корхона раҳбари М.Миробидов ва бошқа партия фаоллари сўзга чиқдилар. Мажлисда тегишли вазифалар белгилаб олинди.

◆ ХДП рўйхати асосида халқ депутатлари Қорақўл туман Кенгашига сайланган депутат Д.Кучиев ўз сайлов округи сайловчилари билан учрашди. «Қозон» кишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган мулоқот давомида депутат ва сайловчилар мавжуд иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича фикрлашиб олдилар.

Эртага — Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куну

ЭЛ ХИЗМАТИДА



Мамлакатимиздаги савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат тизимларини ўз таркибига олувчи «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари ва «Ўзмаиший-хизматушма» фаолиятида кейинги йилларда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Савдо муносабатлари янгидан, бутунлай ўзгача асосда оёққа турди. Уларнинг таркибидеги концерн, уюшма, корхоналар ва фирмалар иштирокида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қўшма корхоналар тузилди, чет эл сармоялари ишлаб чиқаришга жалб этилмоқда ва кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Хусусий савдо ва маиший хизматда тадбиркорлик йўли билан аҳолига зарур ва керакли бўлган намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Савдо, умумий овқатланиш ва бошқа корхоналар 100 фоиз хусусий, жамоа ва хиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги тармоқларнинг барчаси давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди.

Республикаимизда охириги йилларда барча шаҳар ва кишлоқларда 16 мингдан ортиқроқ янги корхона ва фирмалар иштирокида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қўшма корхоналар тузилди, чет эл сармоялари ишлаб чиқаришга жалб этилмоқда ва кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Хусусий савдо ва маиший хизматда тадбиркорлик йўли билан аҳолига зарур ва керакли бўлган намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда 50 мингдан ор-

тиқ савдо, умумий овқатланиш корхоналари ҳамда 48 мингга яқин маиший хизмат шахобчалари республикаимиз аҳолисида сиқидилдан хизмат кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда 300 мингдан зиёдкор ходимлар фаолият юритмоқда.

Касб байрамини нишонлаётган соҳа ходимларининг олдида ягона мақсад бор — бу халқимизга талаб даражасида хизмат кўрсатиш, савдо ва маиший хизмат маданиятини янада ошириш.

Ўз мухбиримиз

Суратда: Тошкент университети, уй-рўзғор моллари бўлимининг сотувчиси, мохир савдо ходими Раъно Минарова харидор билан сўхбатлашмоқда.


Шавакат АКРАМОВ олган суратлар



«Шарк» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси чех бошлиғи Абдумалик Мақмуродов журналист Пардабек Эргашев билан босқандан чиқиб кетган газетани таъмин қилди. «Шарк» газетаси сифатини кўзда тутиб, маълумоти тўлиқ ва аниқ олиш чехи ходимлари Барно Бадирова билан Жура Жураева иш устида

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну арафасида ёшларимизнинг сеvimли журнали «Ёшлик» ўзининг 20 йиллик тўйини кенг нишонлади. Унда адаблар, журналхонлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Суратда: Бош муҳаррир, ёзувчи Собир Ўнар (унда) журнал ижодкорлари билан мулоқотда.



Хамкасблар иш фаолиятига бир назар: «Ёшлар» телеканалининг «Мунаввар тоғ» дастури муҳаррири Хулқар Тураева, оператор Кўйсин Раҳимов ҳамда газетани матн терувчиси Раъно Бакирова навбатдаги курсатув олдида фикр алмашмоқдалар.

Муаммо

Хатнинг мазмуни куйидагича: кўчадаги 32-уйни сотиб олган киши эски бинони бузиб, унинг ўрнида 3 қаватли қилиб ўй қуришни бошлаган. Бундан кўчада яшаётганлар норози: қурилишда ишлаётган техника ва машиналарнинг овози, уст-таларнинг «тақ-туқи» уларнинг тинчини бузётган экан. Пайвандлаш ишлари амалга оши-

рилаётганлиги сабаб телевизор, радио, совутич ва бошқа электр жиҳозлари ишдан чиқиб қоляпти. Уй қурилишида оғир юк крани ишлаётганлиги учун кўча бўйидаги учта чинор қўшнилardan розилик олинмай кесиб ташланган, ичимлик суви қувурлари тешилиб, сув сиқиб чиқиб ётибди...

МАҲАЛЛАДАГИ МОЖАРО

пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани Қорабулоқ кўчасида яшовчи бир гуруҳ аҳоли тахририятимизга одатдагидан бошқачароқ, галатироқ шикоят хати билан келди

Можаронинг яна бир сабаби, уч қават қилиб қурилаётган бу уй эгалари эртага юқоридан туриб қўшни ҳовлини беамалол томоша қилишлари мумкин.

Хуллас, шикоят изидан «Дархон-3» маҳалласидаги Қорабулоқ кўчасида йўл олдик. Ҳақиқатан кўчадаги 32-уй ўрнида салобатли турар жой қад ростламоқда.

Шундоқ ҳам чуқурликда жойлашган ҳовлимизни тепадан нимадир босиб келаётгандек бўляпти, — дейди Қорабулоқ кўчаси 34-уйда яшовчи Фуат Шарипов. — Ҳали яна уйнинг 2-3 метр кўтарилишини хисобга олсак, юрагимиз орқага тортиб кетмоқда. Бу уйни қуришга рухсат берган мутахассислар қурилиш бошланмай туриб жойни келиб кўрдими-канлар?

Ён-жон қўшнилари бўлими 12-уй бекаси Н.Сливинская ҳамда Айвонилар ҳам уй қурилишидан норозилигини билдирди.

Хуллас, Қорабулоқ кўчаси аҳолисининг гап-сўзларидан Шаҳар Архитектура ва қури-

лиш бош бошқармаси ноконуний қурилмага нисбатан маъмурий чора қўллаш тўғрисида жиноий ишлар бўйича Мирзо Улуғбек туман судига хат киритган. Албатта, суд ўз хулосасини айтади. Лекин шу ерда бир мулоҳаза: аҳолимиз йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Уларга хусусий уй-жойлар қуриш учун ер ажратилапти. Бир-биридан гўзал, ҳашаматли, мустаҳкам уйлар қуриля-

инспекция ходими Носир Мирзаев.

Лекин шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармасидагиларнинг фикри бошқачароқ экан.

— Биз кўриб берадиган уй қурилиши билан боғлиқ ҳужжатлар қалбақлаштирилиб, тегишли идораларга топширилган. Улар ҳам ўз навбатида бу ҳужжатлар тағ замини тўғри ёки нотўғрилигига қарамасдан рухсат бериб юбораверишган, — дейди Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Шаҳарозлик назорати бошқармасининг 1-даражали мутахассиси Рустам Саидҳамедов. — Мана энди фуқаро Сулеймоновга буз десак, бу бинога қанчалаб маблағ сарфлаган... Бузма десак, бу ерда 30-40 йиллаб яшаб келган аҳолининг шароитини оғирлаштирмамиз. Тўғриси, мана шундай ўзбошимча қурилиш сабаби икки ўт ичиде қолиб турибмиз...

Шаҳар Архитектура ва қури-

ти. Бундан фақат қувониш керак. Илкомни бўлса, пули ҳалол бўлса, нима, қураверди-да. Лекин уй-жой неча қават қилиб қурилиши, қандай шаклда ва қанчалик бўлиши ҳақида аниқ тавсиялар ёки меъёрий ҳужжатлар борми?

Фақат пойтахтда эмас, балки барча вилоятларда кўплаб хусусий уйлар қуриляпти. «Ер меники, уй меники, қандай хоҳласан шундай қураман», дегуви-чилар оз эмас. Кимдир икки, кимдир уч, тўрт ёки эртага беш-олти қават қураман дейдиганлар қичиб қолса нима бўлади? Уларни қайси қонун-қонда асосида қечлас мумкин? Агар тартибга солинмаса, аризабозликлар юзга келаверади. Аризаларни текшириш ва ўрганиш учун қанча вақт, маблағ сарфланаверади, қўни-қўшилари орасига совуқлик тушиб, маҳаллада муҳит бузилаверади...

Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Фанимиз фидойилари

Фафур аканинг зиёли халқига атаган бир гапи бор: «Сиз ўша фалон (мақола, китоб, асар) материали албатта, ўқингиз керак!» — дейди у рўпара келганда, телефонда ёки йўқлатганида. Ва шу билан Сизоб бир янгилик, кашфиётни айнан бошқамас, Сизга «илинади».

Бундай одамлар сафиде вазиру оддий идора ходими, суд раисую академик, талабаю прокурор, магистранту фан доктори, элга машхур қаҳрамон зиёлилар бўлиши мумкин. Жаҳоншумул бирор тарихий, замонавий янгиликни ўқиб ёки эшитиб қолса, албатта, бу кашфиётдан ҳайратланувчи, қўйил қолувчи, қадрига етувчи одамини қидириб қолади. Кўпинча бунга талабгор қаҳрамон олимимиз Озод Шарафиддинов бўлиб чиқади. Домла янгиликни кўтариб Озод аканинг уйига боради ёки телефонда дўстига етказиб, бундан аввало ўзи завқ олади, хузур қиладу, лаззат топади. Одамларни ўқитиш, ха-

бардор қилиш, биринчи галда инсон эрки — энг олий ҳуқуқ эканлигини аниқлаш учун у кечую кундуз тиним билмайди. Бу йўлда республикаимизда ўз китоблари миқдор ва мазмуни жиҳатидан ноёб ҳисобланган кутубхонаси дурдоналарини, йиллар давомида йиғиб-тергани — билим хазинасини аямайди, қизганмайди.

Республика Ҳуқуқий маърифат марказининг том маънодаги жонқури, бошлиғи сифатида мамлакатимизнинг 12 вилоятидаги аҳолининг томур уришини бевосита кузатиб, таҳлис қўйиб туради. Қаердаки юрак нотекис урса, қайси чекка вилоят бўлишидан қатъи назар, учиб бориб келади. Ҳуқуқ-тарғибот назарияси ва амалиётининг инкубатори ҳисобланган Тошкент давлат юридик институти марказий қараларидан саналмиш «Жиноят процесси» кафедрасида фаол хизмат қиладу. Мураббат тортиб ёш тадқиқотчи муаллимларга ҳеч биридан устозлик маслаҳат ва ёрдамларини аямайди.

Магистрант, аспирант, докторант тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик, тақризчилик қилишдан эринмайди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори сифатида жамоа илмий-амалий жараёнида иштирок этиш бирор дақиқа ёвддан кўтарилмайди.

Ҳуқуқ-тартибот масалалари

донинг қудрати билан меҳнат қилиб чарчамайди. Шунча ташкилоту муассасада таълим-тарбия, ҳуқуқий тарғибот билан шуғулланаркан, бирор жойда улгурмай қолмайди. Аксинча, ишлаган идораларининг мутахассислари, хамкасблари хатто, ёшларни ҳам меҳнат интизоми, вазифани вақтисоатида уддалаш жиҳатидан

тотган ёшимда ортирган янги танишимни ўз ишларидан тўлиқ мамнун, рози, хотиржам кайфиятда кўрган эмасман. Ҳамма вақт ҳам бирор инсон, жамоа, илмий-амалий жараён тақдирини аъмолидан, қолаверса, мустақилликнинг юксак доволари сари дадил илгарилаётган давлатимиз қисмати, истиқболи учун қай-

СИЗ ЎҚИШИНГИЗ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Фафур Абдумажидов суврати ва сийратига чизгилар

ри билан шуғулланувчи ташкилоту идоралар фаолияти борки, Фафур Абдумажидов иштироки, амалий ва назарий маслаҳатларисиз ўтмайди. Ички ишлар вазирилик ва унинг Академияси ҳам домланинг ўз илмий, касбий хонадони ҳисобланади.


Бир сўз билан айтганда, бугун 75 баҳорни қаршилаган Фафур Абдумажидов, ху-

шошириб қўяди. Олим шогирдларининг вақтини, илмий изланишларини ҳаммиса назорат қилиб боради.

Домла ўзининг серкирра, серсамара, серсўхил фаолиятидан, инсон тақдирини оила, жамият, давлат тадрижи, тақомили, ўсиб-наийиш учун қилаётган саъй-ҳаракатларидан ҳеч қоникмайди. Мен ҳаётнинг ярим асрлик аччиқ-чуққларини

ғурган, ташвишманд қиёфада кўриб келаман.

Ўзбекининг теран томирларидан ҳисобланмиш Абдумажидовлар сулоласининг бош бугини — Фафур домла Абдумажидов ана шундай инсон, олим, ҳуқуқшунос, устоз. У кишининг дўстлари, шогирдлари, хамкасблари олим ҳақида шундай гапларни айтадиларки, бу фикрлар, эътирофлар орқали



аямаслик, савобталаблик. Билмадим, бу касбларнинг қай бири унинг учун биринчи даражали экан? Менимча, Абдуғафур ака олим бўлиши ҳам, одам бўлиши ҳам бир-биридан кам кўрмаса керак. Бу фазилатларнинг яна бир жиҳати бор — улар одамнинг умрини теран бир мазмун билан тўлдирди, унга ўз ҳаётидан қонқиш, умридан мамнулик туйғусини бахш этди. Инсон бахтининг негизи ҳам шунда эмасми?

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, академик: — Фафур ака Абдумажидов ноёб мутахассис, ҳуқуқшунослик соҳасида тирик қомус. Қили қирқ ёрган юрист. Бу зотнинг илм-фан йўналишларида билмаган соҳаси йўқ. Биз, жамоатчилик фикрини ўрганувчи, социологнинг мутахассислари ҳам Фафур Абдумажидов изланишларида суяниб иш кўраимиз.

Айниқса, бугунги кундаги суд ислохотлари, жамиятни демократиялаштириш, ҳуқуқий давлат қуриш каби масъулиятли, тарихий ишмизда домланинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Мирзаюсуф РУСТАМ-БОЕВ, юридик фанлари

доктори, профессор, Тошкент давлат юридик институти ректори: — Ўқув даргоҳимизни мутахассислик бўйича дарслик-қўлланмалар билан таъминлаш, илмий-оммабоп рисола ва мақолалар эълон қилиш, ёш олимлар тайёрлашда домла профессор-ўқитувчилар орасида пешқадам.

Биздан олдинги, биз ва биздан кейинги авлодлар Тошкент давлат юридик институти таълим-тарбия жараёнини профессор Фафур Абдумажидов сиймоси, дарслик ва китоблари, маъруза ва мақолаларисиз тасаввур қилолмаймиз...

Эл ардоғидаги олим, халқимиз ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўлида ҳамон изланаётган бу инсон босиб ўтган йўл, истиқлол йилларида у томонидан яратилган ҳуқуқий адабиётлар, илмий тадқиқот ишлари барчамиз учун ўрнак бўла олади. Олим олами минглаб илмга чанқок ёшларни ҳайратлантиришга, уларнинг қалбига зағулиқ уруғини қадашга, ёшларимизда илмга, маърифатга меҳр уйғотишда ҳамон яхшилик нурини таратиб турибди.

Махдум САТТОРОВ

Бағишлов

ГАЗЕТАНИНГ ТҮРТ САҲИФАСИ

Президентимизнинг 1993 йил 24 июндаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини деб, 1906 йил минтақамизда илк бор нашр этилган Туркистон миллий уйғониш даврининг тараққий-парвар газетаси — «ТАРАҚҚИЙ»нинг таваллуд кунини (14)27 июнь белгиланди.

XX аср, Олтинчи йил, 27 июнь... Қоқди ҳаёт эшигин, Газетанинг тўрт саҳифаси. Тўқсон етти йил ҳар бор тўрт фасл, Имон-эйтиқоднинг эзу бешиги — Газетанинг тўрт саҳифаси.

...Оғир кунларимда рағбат ва мадад, Истиқлол зийёси, эрклик шуъласи... Дўстим,

мухбирлик — фахрим беадад, Жўш ураг кун бўйи ижод нафаси, Газетанинг тўрт саҳифаси.

... Мамлакатим — Буюк Туроннинг, Энг гўзал ҳур Республикаси! Асримиз-у жумла жаҳоннинг, Шодликларини...

Ва таҳликаси — Газетанинг тўрт саҳифаси.

Ободлик, омонлик тилаб элларга, Толега ошино ҳар бир лаҳзаси. Ёниброқ яшашни солиб дилларга, Бонг ураг Сардори —

Тинчлик жарчиси! Газетанинг тўрт саҳифаси...

Офтоб қайнаган кенгликлар бу дам, Шонли 12 йиллик одими саси. Булоқдек қайнаган Академиям — Ижодим балоғати!

Ҳам вазифаси — Газетанинг тўрт саҳифаси.

Энг одил ҳақаму, мураббий, устоз — Халқ кўнглининг мисли кўзгуда акси... Шундайин ўтади ҳар кунинг Номоз, Умр тариқаси,

ҳислар харитаси — Газетанинг тўрт саҳифаси!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

«Ўзбекистон овози» газетаси муҳарририятда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Матбуотимиз фидойилари» номли тўплам муаллифлари билан учрашув бўлиб ўтди. Китобни тузувчи ва нашрга тайёрловчи таникли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими З.Есенбоев тахририят журналистларини касб байрами билан табриклаб, мазкур китоб олдинги йил-

ларда ҳам шу ном билан нашр этилган туркум тўпламларнинг мантқий давоми эканлигини, унга устоз журналистлар ва бугунги кунда баракали ижод қилаётган фаол қаламкашлар ҳамда журналистикамиз эмасдошлари ҳақида ёзилган мақолалар, очерклар, лавҳалар киритилгани ҳақида гапириб берди.

Тадбир сўнггида тахририят ходимларига мазкур китоб тўғрисида таъриф буюришди. Юнус ЗИЁДОВ



Газетамизнинг навбатдаги сони чоп этилаётган пайтда, «Ассалом, Ўзбекистон» телестудияси ижодкорлари тахририятимизга таширф буюришди.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

«Ўзқоммунмаштаъминот» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«Ўзқоммунмаштаъминот» ОАЖ Кузатув Кенгаши 2003 йилнинг 1 август кунини соат 16.00 да Тошкент шаҳар Навёзбек йўли 1-уйда «Ўзқоммунмаштаъминот» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари 5-умумий йиғилиши бўлиб ўтишини, акциядорлар реестри 2003 йил 20 июль ҳолатига ёпилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ КҮЙИДАГИЧА:

- 1. 2003 йилнинг 1-ярми бўйича «Ўзқоммунмаштаъминот» ОАЖ иш натижаларини кўриб чиқиш ва жамиятнинг ҳолиявий соғломлаштириш таклифини тасдиқлаш.
2. ОАЖ Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш.
3. Тафтиш ҳайъатини қайта сайлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Умр карвонининг йўли ҳар доим ҳам текис ва раван бўлавермайди. Кимдир шу карвон йўлида бойлик ортдан қуёса, бошқалар мансаб кулига айланади. Шу аснода азиз умримизни ўтказиб юборганимизни, юбараётганимизни ўйлаб кўрмаймиз.

Умр давомида нигоҳларини эзгулик манзилларига тикканлар, яхшилик ниҳолини юракларга қадаганлар, адолатнинг ўйдум-чуқурлари узра узоқ машаққатли йўллари босиб ўтганлар ҳаёти матбуотимиз фидойиларининг борлиги кўнгилга нур олиб киради. Юракда ҳайрат, ҳавас туйғуларини уйғотади.

Рейимбой Ешимбетовнинг номи мана ярим асрдан буён республика матбуотида эълон қилинган қатор мақолалар, очерк, лавҳа, ахборотлардан халқимизга яхши маълум. У бутун ҳаётини, ёшлик кун-қудратини матбуотга бағишлади. Унинг ижодида қорақалпоқ халқининг руҳи, кувонч ва ташвишлари, миллий қадриятлари, мақсадлари ва экологик муаммолар акс этган.

Матбуотимиз фидойилари

47 ЙИЛ МУХБИРЛИК ЛАВОЗИМИДА

«Ўзбекистон овози» газетасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири Рейимбой Ешимбетовни танимайдиганлар диққатига

У 1962 йил 16 апрель кунидан бошлаб «Ўзбекистон овози» газетаси билан ўз тақдирини чамбарчас боғлаган. Мана шунга ҳам 42 йил тўлибди. Бу вақтда қанча сувар оқиб ўтди. Касбини қисмат деб билган бу инсон шу давр ичида қорақалпоқнинг Шуманай, Мўйнок, Кўнғирот, Қораўзак каби энг олис туманлари, муболага қилиб айтганда бутун қорақалпоқ кенгликларини қадам-бақадам кезиб чикди. Орол табиатининг бузилиши, унинг оқибатлари ҳақида қалам тебратди. Халқ дарди, ўй-ташвишлари билан бирга яшайди. Дадиллик, тез-

корлик, касбга меҳр-муҳаббат унинг бош мақсадига айланган. Рейимбой Ешимбетов журналистикамиз даргалари билан елкама-елка туриб миллий матбуотимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшди. Ва ҳамон қаламини қўлдан қўймай ижод этиб келмоқда.

Оқсоқолнинг узоқ йиллик фаолиятининг бош омилли ҳалоллик, камтарлик, халққа яқинлик. Бу эса бугунги журналистикамиз учун жуда зарур бўлган тушунчалар. Бугун бу соҳага кириб келаётганлар мана шундай инсонлардан ўрناк олишлари, улардан касбга фидойи бўлиш сабоқларини



Фаррух ҲАМРОЕВ

ни ўрганишлари зарур. Умри оқар дарё дейдилар. Бугун Рейимбой Ешимбетов 73 баҳорни қаршилади. Лекин ҳамон сафда. Қорақалпоғистон халқининг овози, меҳнатсевар элнинг улкан ютуқлари, истиқлол имкониятлари, атрафдаги одамларнинг дарду ўйларини марказий газета саҳифаларига олиб чиқиб, унга жамоатчилик фикрини қаратмоқда.

Ўзбек матбуотининг ҳақиқий жонқури, қорақалпоқ халқининг севимли фарзанди Рейимбой Ешимбетовнинг нурли йўли биз ёшларга ўрناк бўла олади.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Китоб кўнгил мулки

САМИМИЯТ СОҲИЛИ

Ҳаёт номли чархпалак айланаверади. Кўнгил отли дарё оқаверади. Дунё эса қадим кўшигини айтаверади. Сиз сокин соҳида бир лаҳза бўлганмисиз? Дарё шундай оқмайди, у ўзининг сир-синоатларини қирғоқларга айтади. Қалб аталмиш хилкат ҳам бежиз ўтиб кетмайди. У ҳам кўрган-кечирганларини самимият номли соҳилга битиб қолдиради. Шундан бўлса керак, неча-неча асрлар давомида сон-саноксиз китоблар битилган. Инсониятнинг маънавиятга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини китоблар ёрдамида тўлдириш мумкин. Яқинда «Шарқ» нашриёт-

матбаа акциядорлик компанияси бош тахририят томонидан нашр этилган Саида Сайхуннинг «Келгинди келинининг сири» китобини кўлимга олар эканман кўнглимдан қоридидаги ўй-хаёлар кечди. Китоб таъбир жоиз бўлса ёзувчи ва ўқувчининг юзма-юз бўлиш воситасидир. Мана шу сониёдан бошлаб ростлик фасли бошланади. Бу учрашувда фақат юрак тилга киради.

Китобда жамланган ҳикояларни мутолаа қилар эканмиз аёл қалбининг нақадар сирли, қанчалар беғубор, замин сингари кенг, қувшдай ҳароратли, ой ва юлдузлар каби қўл этмас синоатлардан иборат эканлигига имон келтирасан. Ҳикояларнинг бош мақсадида аёл, жамият, атрафдагиларнинг бир-бирига бўлган муносабати, бола тарбиясидек мураккаб дунё кўз олдинда гавдаланади. Умр деб аталмиш машаққатли йўл узра ортда қолган эзуликлар, алам, изтироблар, маҳзун, мунгли лаҳзалар сенга нимадандир сабоқ беради. Сен ҳикоя қарамонлари орасидан ўзингни ва юрагингга яқин бўлган инсонларни топа болайсан ва атрафга, сени соғиниб яшаётганларга бефарқ эканлигиндан виждон азобида қийналасан.

Ҳикоялар гулдastasидаги



«Ёлғизлик мавсуми», «Келгинди келинининг сири» каби асарлар ўзига хос бетакорролик, кутилмаган туйғу ранглари, қалб қирралари очиб берилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳамкасбим — «Ўзбекистон овози» газетаси журналисти Саида Сайхун ҳикояларини ўқир эканман самимият соҳида кечган саодатли дамлар билан ўз-ўзимни кутлагим келди.

Фаррух ҲАМИДУЛЛО ҒИЛИ

ЖУРНАЛИСТЛИК ХАТАРЛИ КАСБ...МИ?

Аслида журналистлик касби кишида фахр-ифтихор туйғусини намоеён этадиган касб бу. Аммо унинг хатарлилиги ҳам бор гап. Бу асосан замон ва макон, жараёнун вазиат билан боғлиқ. Олимларнинг фикрича, журналистлар шахтёрлардан сўнг энг кам умр кўрадиган касб эгалари ҳисобланаркан. Бу балки қайсидир маънода журналистлик касби машаққатлари хатардан холи эмаслиги-

га ишоради. Дарҳақиқат, шундай. Буни АКШ ва Буюк Британия бошчилигидаги коалиция кучларининг Ироққа олиб борган ҳарбий ҳаракатлари пайтида журналистларнинг таҳликали ҳаёти ҳам тасдиқлайди. Гап шундаки, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар пайтида 15 га яқин журналист ҳаётдан қўймоди. 2 нафари эса дом-драксиз йўқолган, дейилади Халқаро матбуот институти-

нинг «Ироқ воқеаларини ёритишда оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг роли ва бу даврда сўз эркинлигининг бузилиши» номли маърузасига асосланиб «Интерфакс» тарқатган ахборотда. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ОАВнинг бевосита 800 нафар вакили билан бирга 3 мингга яқин журналист уруш воқеаларини ёритишда иштирок этган.

Бошқа бир манбада қайд этилишича, 14 журналист ҳалок бўлган, 10 нафари эса бедарак йўқолган. Уларнинг номлари аниқлангани маърузада эълон қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, маърузада айтилишича, Араб оммавий ахборот воситалари бу уруш жараёнида энг кўп ёритганлиги билан ажралиб туради. Аммо яна бир ургу бериладиган жиҳати

шуки, жанг майдонларидан узатилган репортаж бошқа хабарларда объектив воқеалардан кўра журналист қайси давлатга хизмат қилаётган бўлса, ўша давлат гоъларидан келиб чиқиб, билдирган фикрлари устунлик қилди. Демак, замона зайлига кўра мафкуравий курашлар қорғи поғонага қўтарилганлигининг яна бир далилидир бу.

10 ТОННА СУВ, 7 МИНГ ШИША ВИНО ВА ЯРИМ ТОННА ПИШЛОҚ

Маълумки, шу ойнинг бошларида Франциянинг Эвиан шаҳрида «катта саккизлик» давлатлари етакчиларининг тўрт кунлик саммити бўлиб ўтди. Саммитда кўрилган масалалар тўғрисида газетамизда хабар берганмиз. Шунинг учун бу гал саммит ҳақида эмас, балки саммит ишини кенг ёритишда иштирок этган журналистлар тўғрисида тўхталамиз.

Авалло шунини айтиш лозимки, саммит бекам-кўст ўтказилишига маъсул бўлган шахслардан бири, озиқ-овқат таъминоти бўйича бош мутахассис Серж Бреннинг Newsru.com журналистларига маълум қилишича, дунёнинг турли бурчакларидан келган 3 минг нафар журналист саммит ишини ёритишда иштирок этган. Шунинг

учун ҳам дунё аҳли саммит жараёнидан ўз вақтида воқиф бўлиб турди. Бироқ Серж Брен ўз интервьюсида алоҳида жиҳатга тўхталиб ўтди, яъни саммитнинг халқаро матбуот марказидаги ресторани соҳиблари журналистлар иштаҳасига эътибор бериб, буни таҳлил қилишибди. Уларнинг таъкидлашларича, журналистлар 2000 йил ҳосилидан тайёрланган қизил винога «очкўзларча» муносабатда бўлишган. Яхшиям «Бордо Сюперриор»нинг захираси мўл эди. Бундан ташқари саммит кунлари об-ҳаво дим бўлганлиги учун (ҳарорат 30 даражадан пастрга тушмади) тушлик ва кечки овқат пайтлари «Антрде-Мэр» оқ винолари ҳамда Эвиан минерал сувлари алоҳида иштаха ва

чанқоқ билан истеъмол қилинган. Шундай қилиб тўрт кунда журналистлар 7 минг шиша вино, 10 миң литр Эвиан минерал сувини пақос туширишган. Турли-туман пишириқлар, мейва-сабзавотлару газакларни айтмай қўя қолайлик. Ресторан бош ошпазининг сўзларига қараганда, ярим тоннадан ортиқ пишлоқ истеъмол қилинган. Дарвоқе, саммит дастурхони учун аталган барча пишириғу егуликлар Парижда тайёрланган ва махсус лаборатория текширувларидан ўтказилиб, сўнг рефрижераторлар ёрдамида Эвианга келтирилган. У ердаги ресторанларда эса фақат иситиб дастурхонга тортилган. Ҳатто ресторанларда хизмат қилувчи официантлар

бригадаси ҳам Париждан таклиф қилинди. Яна бир гап. Журналистларнинг нима ва қанча истеъмол қилганликларини ҳисоб-китоб қилган ресторани соҳибларидан «катта саккизлик» давлатлари етакчиларининг иштаҳаси қандай бўлганлигини мухбирлар қайта-қайта сўрашса-да, жавоб олишолмади. Сабаб: уларга умуман бошқа ошпаз ва официантлар бириктирилган экан. Бундан ташқари хавфсизлик ва эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан уларнинг егуликларини ўта махфий сақланган. Ҳатто ошпазлардан ҳам сўнги лаҳзага, яъни пишириқ тайёрланиш пайтигача қачон, нима пиширишлари сир тугтилган. Алимбек ТОШБЕК тайёрлади

Advertisement for 'TO'ZBEKISTON MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI' (Ташкент шаҳар муниципал биржа маркази) featuring 'AVTO MAKON' and 'VA TADBIRKORLAR!' (Ва тадбиркорлар!). It lists services like car leasing and business support.

Advertisement for 'ПРАВЛЕНИЕ ОАО «НОН-НЕЪМАТ»' (Administration of OAO 'NON-NE'EMAT'). It announces a general meeting of shareholders on August 4, 2003, at 10:00 AM at the Tashkent office.



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини
касб байрами билан самимий табриклайди!*



*Ўзларининг ўрнини доимо ҳаётнинг
қайноқ жабҳаларида деб биладиган, ҳар
қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият
манфаатини ҳимоя қилиш йўлида бор
имкониятларини аямайдиغان фидойи
инсонлар — журналистларга, технайти
ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган
заҳматкаш муҳаррирлар ва ноширларга,
ахборот асрининг барга жонқуярларига
янидан янги ижодий парвозлар,
муваффақиятлар, сийҳат-саломатлик
тилаймиз!*



**Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз ҳамкасблар!**



Газетанинг навбатдаги сони 1 июль, сешанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI

Abdulla O'RIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir
birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari
«Golos Uzbekistan»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen
QAIPBERGENOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI MARKAZIY
KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va
xalqaro hayot
133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va
iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va
harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va
ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80,
133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-16-16
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-03-80
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
3-39-20
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-12
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida terildi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Shara» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston
Respublikasi Davlat
Matbuot Oo'limasida
00004-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshiriladi.

T — 512

11352 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA